



## ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШ СИФАТИДА

Мунира Рамазонова Гуломжоновна

Ўзбекистон

Ёзувчилар юшмасининг тарихи музейи раҳбари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7024933>

### ARTICLE INFO

Received: 16<sup>th</sup> August 2022

Accepted: 22<sup>nd</sup> August 2022

Online: 26<sup>th</sup> August 2022

### KEY WORDS

ўсмирлар, санъат,  
педагогика, арт-терапия  
педагогикаси, тарбия,  
эстетика, маънавият.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада ўсмирлар маънавиятини юксалтириш-Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсатининг устивор йўналиш сифатида тарбиялаш илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада болани санъат орқали тарбиялаш, эстетик таълим бериш ҳамда замонавий технологиялар асосида ривожлантириш масалари ёритилган.

“Ҳар бир ишнинг илми бор”, дейди муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Тарбиянинг ҳам илми бор. Унинг номи педагогика. Педагогика ўзбек миллий энциклопедиясида шундай тақриз берилади. Ёш авлоднинг онги ва тафаккурини гўдаклигидан тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлишини алоҳиди даъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш қўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига жуда катта эътибор бераётгани бежиз эмас. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ёш

йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг шароит яратилган. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик кучли бўлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун



зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларни назарда тутди.

Биринчи ташаббус, юқорида таъкидлаганимиздек, ёшларнинг муסיқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, ўсмирларни маънавиятини санъат педагогика асосида ривожлантиришда аввало, ёшларни санъатга қизиқтириш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш зарур. Ёшларга Ўзбекистон тасвирий санъати орқали дарсларни замонавий технологиялар асосида ташкиллаштириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда долзарб аҳамиятга эгадир. Ўсмирларни комил инсон қилиб тарбиялашда аввало, комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилиш инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қилади. Комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний нуқтаи назаридан етуклик даражасига кўтарилишини кўзда тутди. Юртимизда комил инсонни вояга етказиш масаласига азалдан катта эътибор билан қаралган. Шунинг

натijasи ўлароқ, тарихимизда ўзининг маънавий фазилатлари, жисмоний имкониятлари билан жаҳон аҳлини ҳайратга солган буюк баркамол инсонлар кўплаб етишиб чиққан. Улар қолдирган бой илмий ижтимоий-фалсафий, маънавий мерос халқимизнинг бебаҳо мулкига айланган. Адабиётлар таҳлили

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболлариига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи// Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, №11

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз

билан бирга кўрамиз. “Ўзбекистон” 2017

4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7 январь 2017 йил.

Тадқиқот методологияси

Мақолада эмперик тадқиқот, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик илмий тадқиқот тамойилларидан келиб чиққан ҳолда қиёсий таҳлил каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалари  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг 2021 йил 30 июнь куни Ёшлар кунига бағишланган



тантанали маросимдаги маърузасида фаол ёшларимизни ҚУДРАТЛИ ТЎЛҚИН деб атади. Шу пайтгача Янги Ўзбекистон ёшларига бундай улуғ, мухташам сифат берилмаган.

Бир ижодкор сифатида бу сифатни бадиий талқин қилиб кўрдим. Қудратли тўлқин жумласини эшитганда “Ниманинг тўлқини?”, деган савол туғилади. Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган Умумхалқ ҳаракатининг қудратли тўлқини. Бу ҳаракат бир денгиз сатҳидаги тўлқинларга ўхшайди. Тўлқинларнинг энг зўри қудратли, деб аталади. Демак, ана шу тўлқинлар ортида меҳнат завқи, ижод шавқи, дўстга рағбат, ёвга даҳшат солиб тоғдек тўлқин келаяпти. Мана шундай кўкси кўкка етган, қудратли тўлқин бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизга Юртбошимиз таҳсин айтди.

Инсон умрини уч даврга бўлсак, болалик, ёшлик, кексаликка бўлинади. Болаликка – ўрганиш, кексаликка – ўргатишни берсак, ёшлик ҳам ўрганиш ҳам ўрганган билимларини амалга ошириш, шижоат фасли бўлиб чиқади. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек, одам ақлини ишлатиб оламни обод қиладиган, гўзал хулқи билан элини шод қиладиган даври – ёшлик. Яъни, ёшлик шижоати билан эзгу орзуларни Президентимиз айтганидек, амалий ҳаракатга айлантириб, салмоқли натижаларга эришиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир ёш йигит-қиз ўз олдида аниқ мақсад қўйиб яшаши керак.

Президентимиз 30-июнь ёшлар куни ҳаммамизни безовта қилаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида тўхталди. “Ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик,

ичкиликбозлик, оилавий ажралишлар, бузғунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари давом этаётгани, давлат раҳбари сифатида шахсан мени жиддий ташвишга солмоқда. Ўтган 5 ойда 7 мингдан зиёд ёшлар жиноят содир этгани, ҳозирги вақтда қарийб 40 минг нафар ёшлар профилактик ҳисобда тургани ҳам хавотиримиз бежиз эмаслигини кўрсатмоқда”, деди. Президентимиз жойлардаги Алишер Навоий, Амир Темур, Мотамсаро она ҳайкаллари ёнида айрим тарбиясиз ёшлар томонидан содир этилган номаъқул ҳаракатлардан ниҳоятда ранжиганини баён қилди.

Мен бир адиба сифатида бу номаъқул ишлар сабабини ёшларимиз қалбини тарбиялашда йўл қўяётган камчиликларимизда кўрдим. Чунки бола билимли бўлсаю, қалби бўш бўлса, гўзалликка ошно бўлмаса, уни ҳис қилмаса, мана шундай вандализмга хос ишларга қўл уради. Шунинг учун ҳам доно халқимиз билиб, кўриб, синаб “Болам тошбағир бўлмасин, десанг, қўлига дутор тутқаз”, деган.

Президентимизнинг: “Бу борада мени бир нарса чуқур ўйлантиради. Нима учун ёшлар тарбиясига бевосита масъул ва жавобгар бўлган ташкилотлар, оналар, педагогик жамоалар бу масала бўйича тезкор ва принципиал муносабат билдирмаяпти?”, деган фикрлари ҳар бир зиёлининг виждонига мурожаат бўлди, деб ўйлайман.

Ҳа. Лоқайдлик ҳали ҳам бизга панд берапти. Ислохотларимизга халақит бераётган муаммо ва камчиликларни биргаликда, ўзимиз ҳал қилмасак, ким ҳам қиларди? Албатта, қилинадиган ишларнинг ташкилий жиҳати муҳим. Шу билан бирга ҳар ишга



илм билан ёндошиш зарурлиги тобора аниқ бўла борапти. Ҳар бир онгли иш каби ёшларимизнинг қалбини тарбиялаш ҳам илмий ва албатта, амалий асосга қурилса, натижа беради. Токи ҳар бир йигит-қизимиз гўзалликни қалбан ҳис қилсин, тушунсин, қадрласин, ардоқласин. Бойитсин. Бу эса мамлакатимизда ёшлар тарбиясида адабиёт ва санъатнинг барча турларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Бугун ёшларимизни санъат билан тарбиялаш учун илгари бўлмаган бой имкониятлар берилди. Президентимиз ташаббуси билан Адиблар хиёбони барпо бўлди. Беш муҳим ташаббус ҳаракатда, мактабларимизда ижтимоий-маданий тарғиботчи лавозимлари жорий қилинди. Мана шу бадий имкониятлардан илмий асосда фойдаланишни йўлга қўйсақ, албатта, аниқ натижаларга эришамиз.

XXI асрда давлатлар орасидаги рақобатни фуқароларнинг Инсон капитали ҳал қилади. Яъни қайси соҳада бўлишидан қатъий назар мутахассислардан ижодий, инновацион фикрлаш талаб қилинади. Жаҳон тажрибаси бунини тасдиқлаб турибди. Ижодкорлик тарбиясида адабиёт, санъат ва педагогика синтези асосида юзага келган, дунё таълим тизимларига тобора кенгроқ кириб бораётган артпедагогика асосий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бугун бизга Ватанига, халқига, содиқ, ота-онасига меҳрибон, хулқи гўзал, креатив ёшлар керак. Бунга онг ва қалбни уйғун тарбиялаш орқали эришилади. Мен Президентимизнинг биз ёшларга берган мотивациядан катта

куч олиб, қудратли тўлқин сафида бўлишга қарор қилдим. Бадий-илмий ва миллий кадрларимизга асосланган артпедагогиканинг самарали методларини яратиб, Янги Ўзбекистоннинг янги авлодини санъатга ошно қилишга, Қудратли тўлқиннинг қалбини тарбиялашга ўз ҳиссамни қўшаман.

Ёшлар – ҳар қандай мамлакатнинг эртаси, куч-қудрати, суянган тоғи. Улар ҳар тамонлама, баркамол, жисмонан бақувват, руҳан ва маънан соғлом, билимли, юксак тафаккурли бўлиб, улғайса, эл-юртнинг ҳам келажаги ёруғ, барқарор ва фаровон бўлади. Шу нуқтаи назардан болага тарбия бериш ёшлиқдан шаклланиб боради. Тарбия ҳақида алломаларимиз дурдона фикрларни айтиб кетишган. Фаразнд тарбиясини қачондан бошламоқ керак, деган саволга буюк бобомиз Абу али ибн Сино, бола тарбияси билан шуғулланишни унинг туғилишидан аввалроқ, она қорнидан бошлаш лозим, деб жавоб берган. Чунки боланинг маънавиятига ҳам айнан шу пайтдан асос солинади.

Соҳибқирон Амир Темур: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир” деган эди. Демак, азми қатъийлик, тадбиркорлик, хушёрлик, мардлик каби фазилатлар ҳам одамда илк болалик чоғидан тарбиялаб бориш зарурлигини кўрсатади. (2-режага)

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури



Президентимиз фармони билан тасдиқланиб, эълон қилинган, ҳеч қанақа вақт ўтмасдан, 2 февраль куни яна бир муҳим ҳужжат имзоланди. “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарор давлатимиз раҳбари томонидан маънавият, маданият, санъат соҳаларига жиддий эътибор қаралаётганини яна бир бор тасдиқлади.

Қарор анъана ва қадриятларимиз билан биргаликда миллий оҳангларимизни ҳам халқимизга, бутун дунёга кенг тарғиб қилишга қаратилган бандлари учун ҳам ғоят аҳамиятли. Шунингдек, ушбу ҳужжат санъатимиз ва маданиятимизнинг юртимизда, қолаверса, жумлаи жаҳонда нуфузини, ўрнини кўрсатиб берадиган ва ўзининг мавқеини қайта тиклашига ечим бўла оладиган қарор сифатида қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсатнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бири маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисидаги қарори 2022 йил 2 феврал куни эълон қилинди. Стратегияга асосан мамлакатимизнинг тараққиётининг келгуси беш йиллигида ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлашга эътибор янада кучайди.

Давлатимиз раҳбари маънавий – маърифий соҳада ҳам жаҳонда кечаётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, улардан хулоса чиқарган ҳолда тўғри йўлни танлашимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб келади. Стратегияда ҳам мана шу ёндашувга устивор эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, юртимизда маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив усулларини қўллаш назарда тутилган.

Яна бирида стратегик ҳужжатда ҳам аҳолида ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, билим ва дунёқарашини бойитишда асосий воситалардан биридир.

Стратегияда буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш алоҳида мақсад сифатида белгиланган. “Янги Ўзбекистон-Учунчи Ренессанс” шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш қайд этилган.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятининг қўллаб-қувватланиши жаҳон тамаддунига сезиларли ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишда муҳим ўрин тутади. Ҳужжатда маданият ва санъат соҳаларини янада



ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техник базасини яхшилашга урғу берилган шу билан бирга, маданият ва санъат соҳаси вакиллари, ижодкорлар, соҳада фаолият юритаётган профессор-ўқитувчи ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш кўзда тутилган.

Келгуси беш йилликда театр ва цирк санъатига эътибор янада кучайиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади. Маданият марказлари фаолияти такомиллаштирилиб, улар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифати оширилади. Ўзбек халқи маданияти ва санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган атоқли ижодкор зиёлилар юбилейларини муносиб нишонлаш, ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштиришга аҳамият қаратилиши маънавий-маданий муҳитни янада барқарорлаштиришга, юксалтиришга хизмат қилади. Стратегияда жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифатида кино санъатини янада равнақ топтириш масаласи ҳам бор. Хуллас, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида барча соҳа қатори юртимизнинг маданий-маънавий ривожланиши, бу борада дунёга бўйлашишини таъминлайдиган кенг қўламли чора-тадбирлар, эзгу мақсадлар белгиланганки, улар яқин келажакда мамлакатимиз

истиқболининг нурли маёғига айланиши шубҳасиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, маънавият жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча кучли бўлса халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади.

Мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда. Ёшлар маънавиятини ривожлантиришда маънавият масалалари, қадриятлар, урф-одат анъаналари, маънавий юксалишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмуд, Ж.Туленов, С.Шермухаммедов, А.Жалалов, Э. Юсупов каби атоқли олимлартомонидан ўрганилган бўлса ҳозирги маънавий янгилашнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С. Отамуродов, С. Бердиқулов, А. Умаров, Ш.мадиева, Г.Туленова, С.Рахиомв ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Ш. Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва



юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётни эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган.

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамовалар томонидан “Ёшларда мафқуравий

иммунитетни шакллантириш” монографиясида ёшларни тарбиялаш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби масалалар таҳлил этилган .

## References:

1. Янги Ўзбекистон Ижтимоий-сиёсий газета 2020 йил 4 февраль “Мамлакат истиқболининг нурли маёғи ” мақоласидан фойдаланилди.
2. М. Қуронов, А. Қодиров, Ш. Акрамова “Ёшларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш” Тошкент: “Маънавият”2008. -112 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи// Халқ сўзи. 2017 йил 16 январ, №11
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз. “Ўзбекистон” 2017
6. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7 январь 2017 йил.